



## ШАҲАРЛИК БЕКА, ҚИШЛОҚ АЁЛИ СИЗДАН ЎЗИБ КЕТДИ!

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

### ФАҚАТ МЕҲНАТИ БИЛАН

Ликобчалардан тортиб, таомлар ҳам шаҳардаги меҳмоннавоз бекаларнинг дастурхонидан қолишмайди, ундан ўтса ўтадики, асло камий йўқ. Тўшалган кўрпачалар, дарпардалар ҳам худди шундай, шаҳарда яшовчи баъзи бекалар орзу қилар даражада дид билан тикилган. Сочикларнинг дастурхонга мослаб қўйилгани, газли ичимликлар учун бежирим фужерлар ҳам эътиборимдан четда қолмади бу гал.

Уйдаги безак, меҳмон қуттишдаги одатий ҳолатларни батафсил тасвирлаётганимдан ҳайрон қолаётгандирсиз. Гап шундаки, бундан бир неча йиллар аввал (кўпчиликнинг наздида ҳалиям) қишлоқдаги ҳаёт худди илгаригидек униқиб кетган рўзгордай тасаввур қилинарди. Бугун шароитлар тамомла ўзгариб кетганини бир йилда бир бориб билиб бўлмайди, қишлоқда уч-тўрт кун яшаб, буни ҳис қилиш керак.

Шулар ҳақида айтarkanман, қишлоқдош аёллар ийманибгина кулиб қўйдилар. Шаддорроқ аммам, "Юр, сенга бир нима кўрсатаман", деб қўлимдан тортиб кетди.



Янги қурилган ошхона, замонавий ҳаммомларини кўрсатиб чиқди. Барчасида аёлнинг меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароит яратилган, иссиқ-совуқ сув муҳайи.

Сен доим қаҳрамонларингнинг бошқа туманлардан излаб юрасан, бизнинг қишлоқ аёлларини ҳеч ёзмайсан, шунга билмайсан-да, - деб ҳазил қилдилар яна бир аммам Матлуба Эргашева. - Мана, ишонмасанг, меҳмон опалардан ҳам сўраб кўр, уларнинг ҳам уйда шундай шароит бор. Лекин буларнинг ҳаммаси меҳнат билан бўлади. Меҳнат қилмагани томорқасидан ҳам билсанг бўла-

ди, уйига кириб ўтиришинг шарт эмас. Аввалига мен уларнинг оиласида четда ишлайдиганлар бўлса керак, деган ҳаёлга бордим. Аммо бир уй аёлдан сўраб-суриштириб билдимки, ундай оилалар санокли экан. Дарвоқе, ростдан ҳам бу ерда одамлар бир-биридан ҳаё қилиб ҳам томорқасини яхшилаб қўйишга, кези келганда, кимўзарга ҳосил йиғишга киришаркан.

### БОҒЧА БОЛАЛАРИ МАШИНАДА УЙИГА КЕЛТИРИЛАДИ

Ҳовли атрофини кўздан кечириб юрган пайтимизда дарвозадан амманнинг невараси кириб келди. "Боғчадан келаётган катта-кониим", деб эркатойини суйган бўлдилар. Менинг эса ҳайронлигим ошган.

- Ие, боғча шунча яқинми, пиёда келяптими? - деб сўрайман.  
- Йўғ-а, машина олиб келиб, олиб кетади болаларни, оилавий боғча очилган қишлоғимизда.  
- Нега пул тўлайсизлар, жуда қиммат-дир-да, болаларни уйдан олиб кетиш хизмати ҳам бўлса.  
- Унчаликмас, 150 минг тўлаймиз.  
- Унда озиқ-овқат ҳаминкадардир-да, - дейман барибир ишонқирамай.

Келини барча гапларини эшитиб ўтирган экан шекилли, "унақамас, мана кўринг", дея телефонини олиб келди. Ҳаммаси суратлар билан бериб борилар экан. Оилавий боғчалар кўпайгани учун миқозларини йўқотмаслик учун шароитини яхшилашга, машгулотларни мукамалроқ ўтишга интиларкан. "Қишлоқ маза-ку", девордим, беҳиштир. Бу эшитганларим ҳали ҳолва экан.

Келини барча гапларини эшитиб ўтирган экан шекилли, "унақамас, мана кўринг", дея телефонини олиб келди. Ҳаммаси суратлар билан бериб борилар экан. Оилавий боғчалар кўпайгани учун миқозларини йўқотмаслик учун шароитини яхшилашга, машгулотларни мукамалроқ ўтишга интиларкан. "Қишлоқ маза-ку", девордим, беҳиштир. Бу эшитганларим ҳали ҳолва экан.

**ҚИЗЛАР ХОРИЖ УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ЎҚИШГА АҲД ҚИЛГАН**  
Кейинги манзил, яна бир қариндошимизнинг уйига тўсатдан ҳол сўраш учун бордик. Тезда мўъжазгина жой тайёрланди. Орадан кўп ўтмай, қовурилган жўжа келтирилди, уйда пиширилганга ўхшамади, ҳайрон бўлдим, бу ҳақда сўрадим.

Zarnews.uz  
\*Сўронома  
Нима деб ўйлайсиз, кейинги йилларда қишлоқ аёлларнинг турмуши (соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маиший шарт-шароитлар) аввалгидан кўра яхшиландими?  
Анонимный опрос  
○ А. Ҳа, сезиларли ўзгариш бор:  
○ Б. Ўзига қарайдиган, саломатлигига эътиборли аёллар кўпайди  
○ В. Хонадонда аёллар учун қулай шароит яратилмоқда  
○ Г. Сезиларли ўзгариш йўқ  
○ Д. Ўзгариш бор, ишляётган қишлоқ аёллари шароитини анча яхшиламоқда:  
1492 голоса  
7092 14:22  
7 комментарий

- Қишлоғимизда ошхона бор-ку, кўнғирок қилсак, уйга ҳам олиб келиб беришадим, - деди уй бекаси.

Шу орада уларнинг бир фарзанди мактаб кийимида бегона машинадан тушаётганига гувоҳ бўлдим.

- Қизим туманимиздаги Президент мактабига кирди шу йил, - дейди Малика Раҳмонова. - Бир йил давомида инглиз тили ва математикадан репетиторга борди, шукур, мана ниятлари ижобат бўлди. Хориж институтида ўқимокчи, дипломат бўламан, деган нияти бор. Ўзим тикувчилик қиламан, турмуш ўртоғим ҳам ишлайди. Томорқамиз, мол-ҳолимиз билан боғлиқ юмушларни қайнонам, қайнотам билан биргалашамиз. Ошхона, ҳаммомларни ўзимизга қулай қилиб жиҳозлаб олганмиз. Баъзи кўни-қўшнилар "Уйингиз шаҳардагидай, пулни қандай қилиб етказасизлар?", деб сўрайди. Менимча, пулни турли ҳою-ҳавасларга эмас, тўғри ишлатса, аёлга ҳам рўзгорда яхши шароит яратиш олиш мумкин.

### ҚАДОҚ ҚўЛЛАРИНИ КўРМАДИМ

Тўғриси, ҳар бир хонадонга борганимда ҳайратим ошарверди. Ахир, эсимни таниганимдан бери шу қишлоққа қатнайман. Лекин хонадонлардаги ҳозирги каби ўзгаришлар, шароитларга олдин ҳеч дуч келмаганман. Битта маҳалланинг ўзида бир неча замонавий дўкон, супермаркет, учта ошхона, тўртта оилавий боғча, гўзаллик саломи, ўнлаб тикувчилик, қолипчи нон цехлари - буларнинг ҳаммаси юқоридаги воқеалар рўй бераётган ҳудуд - Оқдарё тумани Ойтамғали маҳалласига тегишли.

Эсимда, болалигимда ёз кунлари қишлоққа бориб турганимда аммамларни (улар олти нафар) деярли кўрмасдим. Тонг саҳар далага чиқиб кетардилар. Кечроқ ўзларининг томорқасида ишларди. Қўллари мудом қорайиб, ёрилган, меҳнатдан ҳам ёш бўлса-да, юзлари ажин босгандай кўринарди кўзимга.

Бугун меъёрида меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг қўлларида қадоқ кўрмасдим. Ўзларига қараган, оро берган аёллар кўпроқ кўзга ташланади. Қизикдим, пахтага чиқадиган аёллар ҳам санокли экан. Тўғри, барча ҳудудларда аҳвол шундай, деб бўлмайди. Аммо томорқаси бор, экин экиш учун шароити бўла туриб, аҳволи яхши бўлмаган қишлоқлардаги турмушини четдан ҳеч ким келиб ўзгартиролмайди.

Гулруҳ МўМИНОВА, "Зарафшон" мухбири.

Узоқ йиллар давомида қишлоқ аёли деганда фақат далада, томорқада ишляётган аёллар қиёфасини тасаввур қилдик. Қишлоқ аёли дейлидими, албатта, у пахта даласида теримчи ёки сут соғувчи сифатида гавдалантирилди оммавий ахборот воситаларида. Кейинги йилларда бу масалада вазият тамомла ўзгарганини кузатяп-

## АЁЛНИНГ САРИШТАСИ – РЎЗГОРНИНГ ФАРИШТАСИ



Бугун вилоятда хотин-қизларнинг бир миллион етти юз мингга яқинини қишлоқда яшовчи опа-сингилларимиз ташкил қилади. Хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларига кўмак бериш каби вазифаларнинг асосий қисми қишлоқ ҳудудларида амалга оширилмоқда.

Қишлоқ аёлларини ишли қилиш, уларга кўмаклашишда жиддий ўзгаришлар амалга ошириляётир. "Темир дафтар"да рўйхатда турган оилалар бекалари ҳам тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, бугун яхши натижаларга эришляётир. Қишлоқ ҳудудларида 14205 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га киритилган бўлиб, уларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Тўғриси, кам тазминланган оилаларга кредит бериб, натижага эришиш биз учун хом ҳаёл бўлиб қолганди. Сабаби, яхши биласиз, кредит олиш шаффофлиги тазминланмас, оқибатда улар керакли мақсадга ишлатилмасди. Бугун бу масала пухта ўйланган, инсон омили арашлямайдиган тарзда йўлга қўйилди. Яъни, иш бошламоқчи бўлган хотин-қизлар аниқ лойиҳалари билан маҳалланинг хотин-қизлар фаолига мурожаат қилади. "Аёллар дафтари"га киритилган опа-сингилларимизнинг республика миқёсида ягона базаси ташкил этилган. Банк тизими айнан шу базаси асосида. Ишнинг бошламоқчи бўлган аёллар зарур жиҳозларнинг номини, маблағини кўрсатади. Ҳаммаси электрон тарзда амалга ошириляди. Шу тариха бугун тикувчилик, пишириқ пишириш, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўз ишини бошлаган аёллар сони кескин ошди.

Бугун-га келиб, "Аёллар дафтари"да рўйхатда туриб, уларга моддий ёрдам берилгач, томорқа ҳўжалиги билан шуғулланяётган аёллар 482 нафарни ташкил этмоқда. Шунингдек, ушбу дафтарда турувчи 2656 нафар хотин-қизга 32 миллиард 411 миллион сўм кредит берилган.

Қишлоқ ҳудудларида фермерлик, йирик савдо-сотик ва бошқа тадбиркорлик билан шуғулланяётган хотин-қизларга атайин тўхталмадим. Сабаби, улар аллақачон ўз ишини йўлга қўйиб олган. Бугун шароити оғир аёлларнинг ҳам бериляётган имкониятлар туфайли ўзини тиклаб олаётгани асосий ютуғимиздир.

Кейинги йилларда 15 октябрь – Халқаро қишлоқ аёллари куни ҳам кенг нишонланмоқда. Жойларда турли бадийий кечалар, анжуман, танловлар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ аёлларига эътибор, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги қадамлардир. Бугун қишлоқда яшовчи аёлларнинг оиласи фаровонлиги йўлида аниқ мақсади, режаси бор, ўзига ишончи ортган. Ишонч, ҳаракат бор жойда эса албатта, натижа бўлади.

Зебинисо РАҲМОНОВА, вилоят ҳоқими ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи.

### БУ ФАКТ

**Жорий йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 143 та объектда умумий қиймати 1,2 триллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда 31 та объект (392,9 миллиард сўм) аввалги йилдан ўтувчи ва 112 таси (777,6 миллиард сўм) янгидан қурилмоқда.**

## Қишда кўмир муаммо бўлмайди

**Вилоят Матбуот уйида ўтказилган 2022/2023 йиллар куз-қиш мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа муассасаларини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида "Кўмир таъминот" МЧЖ Самарқанд филиали томонидан аҳолига 123 минг тонна кўмир маҳсулотлари етказиб бериш кўзда тутилганлиги қайд этилди.**

- Жорий йилнинг май-июнь ойларида вилоятимиздаги ижтимоий соҳа муассасаларига 46 минг 940 тонна кўмир етказиб берилди, - деди филиал раҳбари Сайфиддин Жуманов. - Айни пайтда газлаштирилмаган маҳаллаларда жойлашган аҳоли хонадонларига темирйўл станцияларида жойлашган 8 та омбор ҳамда Қўшрабат ва Ургут туманларидаги 4 та шохобча орқали кўмир тарқатилмоқда. Бунинг учун ҳоқимликлар томонидан маҳаллалар кесимида рўйхат ва бюртмалар шакллантирилган. Ангрэн кўмир конидан келтириляётган кўмир ана шу рўйхат асосида бир тоннаси 300 минг 300 сўмдан истеъмолчиларга сотилиши йўлга қўйилган.

Ҳозиргача 43 минг 815 тонна кўмир маҳсулотлари тарқатилди.

Шу кунги анжуман иштирокчилари учун Самарқанд шаҳридаги Зарафшон кўмир омборига пресс-тур уюштирилди. Мазкур омбор вилоятимизнинг Пайарик, Ургут ва Самарқанд туманлари аҳолиси учун хизмат кўрсатади.

- Мавсум бошидан буён 4160 тонна кўмир тарқатдик, - дейди омбор мудури Содиқ Холмухаммедов. - Биркирилган туманлардан келган фуқароларга кунига 130 тоннадан зиёд маҳсулот бериляпти. Бунинг учун махсус юклаш ва ташиш техникаларимиз етарли.



- Ҳар йили шу омбордан кўмир олиб кетамиз, - дейди Ургут тумани Жартепа маҳалласидан келган Саттор Олимов. - Бугун маҳалламиздан 14 киши бир тоннадан харид қилдик. Нархлари ҳам ўзгармабди.

Матбуот анжуманида "Ўзбеккўмир" акциядорлик жамияти ахборот хизмати масул ходими Н.Душаев иштирок этиб, журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

## Гўшт, тухум, сут эҳтиёждан кўп ишлаб чиқарилади(ми?)

**Ҳозирда вилоятимизда 1812 та чорвачилик фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Жумладан, 844 та қорамолчилик, 149 та қўйчилик, 206 та паррандачилик, 57 та асаларичилик ва 25 та қуёнчилик йўналишидаги ҳўжалик мавжуд.**

Бу ҳақда вилоят матбуот уйида ўтказилган матбуот анжуманида вилоят ҳудудий "Чорванасл" маркази директори Комилжон Султонов маълум қилди.

Масъулнинг билдиришича, жами йирик шохли қорамоллар бош сони 1,7 миллион, парранда 12 миллион 124 мингтани ташкил этмоқда. 218 минг 290 тонна гўшт, 1 миллион 23 минг тонна сут, 971 миллион дона тухум ишлаб чиқарилган.

- Аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мақсадида гўшт ишлаб чиқариш ҳажми 327 минг 600 тоннага, сут 1 миллион 455 минг тоннага етказилади.



Масъулнинг гапларига ишонадиган бўлсак, бизда гўшт, сут, тухум аҳоли истеъмол талабидан бир неча баробар кўп экан. Нега унда бу маҳсулотларни хориждан катта миқдорда импорт қиляпти ва бозорларимизда ҳам шу турдаги маҳсулотларнинг нархи қимматлигича қолмоқда?

Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.



## ИККАЛАСИ ҲАМ СЕРДАРОМАД ИШ

**Самарқандда 421 та балиқчилик ҳўжалиги мавжуд. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида барча тоифадаги ҳўжаликлар томонидан 2 минг 72 тонна балиқ етиштирилган. Жумладан, Паст Дарғом туманидаги "Пўлат балиқ ҳавзаси" фермер ҳўжалиги 672 тонна насли балиқ тайёрлаган.**

Бу ҳақда "Ўзагроинспекция" вилоят бошқармаси томонидан Паст Дарғом туманида ташкил этилган пресс-турда батафсил маълумот берилди.

- Фаолиятимизни бошлашимиз учун 2010 йилда 4 гектар сув ҳавзаси ажратилганди, - дейди "Пўлат балиқ ҳавзаси" фермер ҳўжалиги раҳбари Тўлқин Жўрамурадов. - Дастлаб "Оқ амур", "Тилапия", "Сазан", "Дўнгпешона", "Африка қора лаққаси", "Карп" сингари насли балиқлар етиштиришга киришдик. Ишларимиз юришиб, 40 гектаргача сув ҳавзасида балиқ боқиб, кластерга айлантирдик. Дастлаб оддий усулда боқилган балиқлардан 3 тоннагача маҳсулот олган бўлсак, бугунги кунда Хитойдан келтирилган ускуналар ёрдамида 120 тоннагача балиқ етиштиряпмиз. Ҳозир ҳўжалигимизда 20 нафар ишчи 40

дан зиёд интенсив сув ҳавзаларида ва балиқчилик иссиқхоналарида насли балиқ боқмоқда. Жорий йилнинг шу даврига қадар 600 тоннадан ортиқ балиқ етиштирдик ва йил охиригача яна 400 тонна балиқ тайёрлаш режалаштирилган.

Вилоятда 14 та қуёнчилик ҳўжалиги мавжуд бўлиб, уларда 5 минг 530 бош қуён парвариш қилинмоқда. Паст Дарғом туманидаги "Дарғом Агро Великан" МЧЖда Италиядан келтирилган 300 бош насли қуён боқилмоқда.

- Ички истеъмол бозорини арзон ва сифатли парҳез гўшт ҳамда қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини насли қуёнлар билан таъминлаш, уларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2016 йилда фаолият бошлаганимиз. Ушанда 12 гектар ер ва 300 миллион сўм субсидия ажратилган эди, - дейди ҳўжалик раҳбари Тўлқин Қурбанов. - Италиядан 110 бош "Хикол" ва "Великан" насли қуёнлар олиб келдик. Уларни табиий шароитда кўпайтириб, олти йилда фермер ва деҳқон ҳўжаликларига 20 мингдан ортиқ қуён етказиб бердик. Ҳозирда Бельгия ва Германиядан келтирилган 300 бош насли, шундан 100 бош "Великан" қуёнларини парваришляпмиз.

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.

# Институт раҳбари ўзгарди



**Олий ва ўрта махсус таълим вазири Абдуқодир Тошқулов Ўзбекистон-Финляндия педагогика институти жамоаси иштирокида муассаса фаолиятини ривожлантириш юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Вазир ташкил этилганига эндигина бир йил бўлган институт фаолияти юзасидан кўплаб шикоят ва эътирозлар келиб тушаётгани, уларда асосан ички ижтимоий-маънавий муҳит яхши эмаслиги, қариндошчилик, гуруҳбозлик авж олгани баён этилганини таъкидлади.

Бу ҳолат ҳатто ижтимоий тармоқларда муҳокама қилинди, деди А.Тошқулов. - Аслида ушбу муаммо олийгоҳнинг ички масаласи бўлиб, тушунтириш, муросам мадора, ташкилий масалаларни тўғри йўлга қўйиш орқали ҳал этилиши керак эди. Аммо кўриб турганимиздек, бундан кенг жамоатчилик ҳам хабар топди.

Маълум бўлишича, июнь ойида

ишчи гуруҳ томонидан институт фаолияти ўрганилиб, камчиликлар юзасидан қоғозланган шикоят берилганига қарамадан, ҳолат ўнганган.

Ўтган йили Акрам Бегматов институт директори вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланган эди. Хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашгани, муассасада таълим жараёнини тўғри ташкил этмагани ва ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминламагани учун у вазифасидан озод этилди.

Институт ректори вазифани вақтинча бажариш Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик бошқарма бошлиғи Фахриддин Эсанбобоева юклатилди.

**Вилоятимизда йўл ҳаракатини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, автомобиль йўллари инфратизимини ривожлантириш ва пиёдалар учун қулай шарт-шароит яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда.**

Шу мақсадда Президентимизнинг 2022 йил 12 июлдаги "2022-2026 йиллар давомида амалга оширилиши мўлжалланган "Хавфсиз ва раvon йўл" умуммиллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига асосан, Самарқанд шаҳрида 30 бекат қурилиб, йўловчиларга зарур бўлган барча маълумотларни реал вақт режимида электрон тақдим этишчи мониторинглар билан жиҳозланди. Шунингдек, шаҳар ва туманларда 66 та оралиқ бекатлар қурилди, яна 28 та бекат қурилмоқда.

Ҳозирда Самарқанд шаҳридаги Чўпон ота массивида "SXF GREAT CITY BUILDING" МЧЖ томонидан 6 гектар ер майдонидида қурилаётган халқаро автовокзал 2023 йил якунида автобусларни қабул қилади.

Жорий йилда аҳолининг жамоат транспортига бўлган талабини қондириш мақсадида 1-рақамли "Регистон - Бозоров кўчаси", 200-рақамли "Жума шаҳри - Темирийўл автостанцияси", 410-рақамли "Жума автобошбекати - Илм маҳалласи", 225-рақамли "Беклар - Сиеб автостанцияси"



Вилоятда жамоат транспорти:

## МУАММО ВА ЕЧИМ

ва 390-рақамли "Ўғўдин-Булуғур шаҳарчаси" йўналишлари ташкил этилди.

Йўловчи ташишни амалга оширувчи 519 та автотранспорт воситасини GPS/ГЛОНАСС - навигация қурилмалари билан жиҳозлаш ҳамда автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиш тижорат тақлифларининг вилоят ҳокимлиги томонидан ижобий ҳал этиш чоралари қўрилмоқда.

Самарқанд шаҳар йўналишларидаги 288 та автобусда "АТТО" валидатор, 1250 та жамоат транспортига видеорежистратор ўрнатилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида 60 та йўловчи ташиш йўналишларидан 21 таси сарф-харажатларини қоплаш мақсадида вилоятнинг тўхтатган. Вилоят бўйича 201 та автобус йўналишидан 67 таси фаолият юритмапти.

Самарқанд шаҳрига вилоятлараро йўналишлардан кириб

шаридаги 288 та автобусда "АТТО" валидатор, 1250 та жамоат транспортига видеорежистратор ўрнатилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида 60 та йўловчи ташиш йўналишларидан 21 таси сарф-харажатларини қоплаш мақсадида вилоятнинг тўхтатган. Вилоят бўйича 201 та автобус йўналишидан 67 таси фаолият юритмапти.

Самарқанд шаҳрига вилоятлараро йўналишлардан кириб

## ДОҒ

Шу йилнинг 13 октябрь куни эрталаб Самарқанд шаҳрида аҳолига жамоат транспорти кўрсатувчи икки нафар автобус ҳайдовчиси йўловчиларнинг кўз ўнгига бир-бирини ҳақоратлаб, жамиятда юриш-туриш қоидаларига амал қилмаган.

Жанжал оқибатида ҳайдовчилардан бири иккинчи автобус ҳайдовчисининг номуносиб хатти-ҳаракатлари оқибатида йўл-транспорт ҳодиса қурбони бўлди.

Самарқанд шаҳрида жамоат транспорти хизмати кўрсатишда муаммо ва нуқсонлар оқибатида юзага келган мазкур ҳолат вилоят транспорт бошқармаси ҳамда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар учун сабоқ бўлиши керак.

## Шарифа – Осиё чемпиони



**Қувейтда 18 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида енгил атлетика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда. Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилган самарқандлик спортчи Шарифа Давронова унликка сакраш секторидида олтин медални қўлга киритди.**

У шахсий рекордини янгилаб, 6,06 метр натижа билан мазкур дастурни якунлади.

Шарифа жорий йилнинг август ойида Колумбиянинг Кали шаҳрида ёшлар ўртасидаги (U20) жаҳон чемпионатида уч ҳатлаб сакраш дастурини 14,04 метр натижа билан жаҳон чемпионлигини ва 24-25 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида енгил атлетика ўтказилган Марказий Осиё тўртинчи очик чемпионатида қумуш медални қўлга киритган эди.

**Яқинда бир танишим оилавий болалар боғчаси очиш учун югурди, аммо рухсат беришмабди. Ҳам ўзи, ҳам бошқаларни иш билан таъминласа, бунинг устига, болалар боғчасига бўлган эҳтиёжни қондирса, бунинг нимаси ёмон? Ўзи қандай ҳолатдаги оилавий болалар боғчаси очиш рад этилади?**

**Г.БОБОЖОНОВА, Тойлоқ тумани.**

– Аввало, маҳалла ҳудудида давлат ёки давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим ташкилоти мавжудлиги ва маҳалладаги 3-7 ёшли болаларнинг шу маҳалладаги боғчаларга қамраб олингани ҳисобга олинади. Масалан, маҳаллада 3-7 ёшли болалар сони 100 нафарни ташкил этса, шу ҳудуддаги давлат мактабгача

## Сўранг, жавоб берамиз

# Нега оилавий боғчалар очишга рухсат берилмаяпти?

таълим ташкилотининг қуввати 100 ўрин бўлса, болалар тўлиқ боғчага қамралган, деб ҳисобланади ва оилавий МТТ очишга эҳтиёж йўқ, деб топилади. Яъни, оилавий МТТ ташкил этишга рухсат берилмайди.

Вилоятда йил бошидан буён 349 нафар фуқаро оилавий боғча очиб учун мурожаат қилган бўлиб, улардан 233 нафарига рухсат берилган, 116 нафарига эса рухсат берилмаган. Масалан, Самарқанд тумани Гулбод МФЙ ҳудудида оилавий МТТ ташкил этиш истагини билдирган фуқаро Ширмоҳ Жумаеванинг аризаси ўрганилганда, маҳаллада 3-7 ёшли болалар сони 440 нафарни ташкил этади. Маҳалладаги

давлат мактабгача таълим ташкилотига 320 нафар, давлат-хусусий шериклик асосидаги нодавлат мактабгача таълим ташкилотига 100 нафар бола қамраб олинган. Қамров даражаси 95.5 фоиз бўлганлиги сабабли оилавий боғча очишга рухсат берилмади.

Иккинчи ҳолатда эса Нодир Саримсоқов оилавий болалар боғчаси очилиши режалаштирган Самарқанд шаҳар Хўжакишлоқ маҳалласида боғча йўқлиги боис унинг аризаси қаноатлантирилди ва 50 ўринли оилавий МТТ ташкил этилди.

**Саволга вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахтиёр МАМИРОВ жавоб берди.**

## Театрда 108-мавсум бошланди

**Самарқанд вилоят муסיқали драма театрида янги - 108-театр мавсуми очилди.**

Янги мавсумнинг очилиш маросимида томошабинларга ариялардан, муסיқали драмалардан парчалар куйлаб берилди.



– Мавсум Алишер Навоий қаламига мансуб "Қуш тили" асаридида театр бош режиссёри Шўҳрат Санақулов томонидан саҳналаштирилган "Ишқ бўстони" спектакли намойиши билан бошланди, – дейди театр директори Искандар Султонов. – Жорий йилда театр жамоаси томошабинлар учун ранг-баранг спектакллар намойиш этиш билан бир қаторда республикамизнинг турли ҳудудларига ижодий гастрол сафарларини режалаштирганмиз. Хусусан, октябрь ойида Қозоғистонда ижодий сафарда бўламиз.



Мавсум очилишидаги илк намойиш - "Ишқ бўстони" спектакли томошаси ва сеvimли актёрлар билан юзма-юз учрашув томошабинлар қалбига хушнудлик бахш этди.

**Сулаймон МАРДИЕВ.**

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

## "UNIVERSAL GIGANT GROUP" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири тартибда ўтказиладиган ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**Савдога "Митан пахта тозалаш" АЖ акциядорларининг 2022 йил 3 октябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1-сонли бўй-руғига асосан "Митан пахта тозалаш" АЖга қарашли қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

**1.** Иштихон тумани "Бойлата" МФЙ, Оқтепа қишлоғида жойлашган **товуқхона биноси** (0009 қисми). Бошланғич баҳоси - 89 727 000 сўм.

**2.** Иштихон тумани "Халқобод" МФЙ, Халқобод қишлоғида жойлашган **пилаҳона биноси** (0012 қисми). Бошланғич баҳоси - 357 202 000 сўм.

Аукцион савдоси **2022 йил 14 ноябрь** куни соат 10:00 да Иштихон тумани Митан шаҳарчасида жойлашган "Митан пахта тозалаш" АЖ мажлислар залида бўлиб ўтади. E-mail: sher.turaev@gmail.com.

**Аризалар Жиззах шаҳри "Заргарлик" МФЙ 40-уйда қабул қилинади.**

Талабгорлардан аризалар газетадан эълон чоп этилган, **2022 йил 12 ноябрь** соат 16:00 га қадар, расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача

(12:00 дан 14:00 гача тушиш вақти) савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Юқоридаги мулклар 2022 йил 14 ноябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий аукцион савдолари **2022 йил 29 ноябрь ва 14 декабрь** кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Талабгорлардан аризалар 2022 йил 29 ноябрдаги такрорий савдо учун **2022 йил 28 ноябрь** куни соат 16:00 ва 14 декабрдаги савдолар учун **13 декабрь** куни соат 16:00 гача қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закат қилишув, закат пули тўланганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳномаси ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда, ишончнома тақдим этилади. Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни

амалга ошириш шакли ва муддатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмаган закат қилишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пули ва "Ризолторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)" га асосан, талабгорларга қўчмас мулк бозоридида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатилади ҳамда энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдордаги маблағлар савдо қунига қадар "UNIVERSAL GIGANT GROUP" МЧЖнинг "Ипотекабанк" АТБнинг Жиззах вилоят филиалидаги ҳисоб рақамига тўлаб берилди. Телефон: +99872-226-22-52.

Аукцион савдоси натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчига 20 кун ичида сотувчи "Митан пахта тозалаш" АЖ билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади. Хизматлар лицензияланган.

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасида марҳум Рустамова Зевар Бахриддиновнага (2014 йил 4 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 26-уй.**

**\*\*\***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолитдин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Нуруллоев Николай Назаровичга (2021 йил 11 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолитдин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

**\*\*\***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасида

сиди марҳум Садықов Очилга (1996 йил 5 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳмонов Сарвар Нейматиллоевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 60-уй.**

**\*\*\***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасида марҳум Туракулов Шухрат Далимовичга (2019 йил 27 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирбегим кўчаси, 5/1-уй.**

**\*\*\***

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасида марҳум Хайдаров Исройил Донабоевичга (2021 йил 29 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан

меросхўрларнинг Қодиров Улуғбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

**\*\*\***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Мнатқанова Аниат Сергеевнага (2021 йил 4 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

**\*\*\***

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасида марҳум Мухамедова Гулсарага (2021 йил 6 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норматов Мурод Тўйчиевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Андижони маҳалласи.**

## ТАЪСИСЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

**"Улуғбек ИЧТБ" МЧЖ таъсисчиларининг 2021 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йиғилиши 2022 йил 28 октябрь куни соат 10:00 да Паст Дарғом тумани "Балхиён" МФЙ, Самарқанд шохқўчаси, 22-уйда ўтказилади.**

**КҮН ТАРТИБИДА:**

- жамият директорининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
- тафтиш комиссиясининг 2021 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш ва янги таркибини сайлаш;
- 2021 йил якунлари бўйича аудиторлик текшируви ва хулосасини тасдиқлаш;
- 2021 йил якунлари бўйича жамият бухгалтерия баланси, молиявий натижалар ҳисоботини тасдиқлаш ва олинган соф фойдани тақсимлаш;
- 2022 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш;
- 2022 йил учун жамият бизнес-режасини тасдиқлаш.

- жамият директори билан тузилган меҳнат шартномасини бир йил муддатга узайтириш ёки бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш;
- жамият таъсисчиларини рўйхатиغا ўзгартириш киритиш тўғрисида;
- жамият омборхонасида 20, 30 йиллардан бери туриб қолган, ишлаб чиқаришдан чиқиб кетган эҳтиёт қисмларини ҳисобдан чиқариш тўғрисида;
- "Самарқанд минтақавий пахта терминали"даги Мирзаев Файзулло номига ўтган 35 фоиз улушнинг жамиятда мавжуд захира фондлари ҳисобидан ёпиш тўғрисида.

**ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.**

**\*\*\***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасида марҳум Темирхоя Гулинар Алимовнага (2022 йил 15 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисраевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

**\*\*\***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Шакур Раҳмонга (1997 йил 14 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

**\*\*\***

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасида марҳум Бердиева Хайитой Раҳमतовнага (2022 йил 23 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг

Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайриқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 110-уй.**

**\*\*\***

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд шаҳридаги "DEPOZITARIY SAMARQAND VAQT" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 201660344) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**\*\*\***

Тошкент фармацевтика институтидан 2008 йилда Исаев Садриддин Абдинабиевич номига берилган В № 294282 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**\*\*\***

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**

Фуқаро Жўраев Камолитдин Абдумотлиб кизининг фуқаролик паспорти (АА 4862579, 26.03.2014 йилда Самарқанд шаҳри ИИБдан берилган) Самарқанд шаҳри ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99899-045-39-39.**

Буюк Соҳибқирон Амир Темури даврида мусиқий чолғулар нафақат маънавий-эстетикани оҳанглар орқали тараннум этувчи восита, балки матонат, шижоат нишони сифатида ҳам қадрланган. Бу борадаги фикрлар "Темури тузуқлари"да батафсил баён этилган. Ушбу тарихий фактлар халқимиз қадимдан мусиқий билими бор, бирор соҳни чала оладиган инсонларга алоҳида ҳурмат билан қараганидан далолат беради.

# Одамлар ҳақиқий санъатни соғинган



Президентимизнинг 2022 йил 2 февралда қабул қилинган "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ҳам ёшларнинг бадиий-эстетик савияси, маданий-маърифий даражасини юксалтиришга асос бўлди.

Бугун юртимизда санъатга бўлган эътибор, санъатсевар ёшларни қўллаб-қувватлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар салмоғини шунчаки таърифлаб бўлмайди, - дейди Самарқанд тумани маданият бўлими раҳбари Хурсанд Ғозиева. - Бу йўналишда ташкил этилаётган тадбирлар, анжуманлар, фестиваллар санъатга иштиёқманд ўғил-қизлар сафини кенгайтиряпти. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида "Санъат фестивали"нинг ўтказилиши ҳам истеъдодли ёшларни кашф этияпти. Аммо биргина давлат тадбирлари ёки байрамлар муносабати билан ташкил этилаётган концертлар етарли эмас, назаримда. Қолаверса, санъатга ошuftалик болалиқдан бошланади. Шу каби омиллардан келиб чиқиб, бўлиммиз олдида маълум мақсадларни кўйдик, режадаги ишларнинг бугунгача бўлган қисмини бажаришга ҳаракат қилдик.

Аввало, тумандаги 50 га яқин мактабда жонли концертлар бердик. Бу ёшларда катта таассурот қолдирди. Муҳими, ушбу тадбирлар дўстона руҳда бўлиб, санъатга қизиқувчи ёшлар ўзлари чолғу асбобларини чалиб кўриш имкониятига эга бўлди.

Бугун Самарқанд туманида 5 та маданият маркази фаолият олиб борапти. Ундаги 26 та тўғаракка 300 нафарга яқин ўғил-қизлар жалб қилинган. Маданият марказлари халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда 54 та умумтаълим мактабидида кўшимча тўғарақлар ташкил қилган, уларга ижодий йўналишда 1500, мусиқа йўналишида 700 нафардан ортиқ ёш хаваскорлар қамраб олинган. Ҳозирда 44-мактабда маком йўналишида бадиий тўғарақ фаолият юряпти.

Шашмақом ансамблимиз тумандаги ҳар бир қишлоқда ўз чиқишлари билан халқнинг эътирофини қозонди, - дейди туман маданият бўлими раҳбари. - Шу кунгача 62 та маҳаллада гала концерт ташкил қилдик. Концерт дастурлари давомида кўпгина ёш

истеъдодлар кашф қилиниб, туманда ўтказилаётган тадбирларга жалб этиляпти. Бундай тадбирлар, концертлар одамларнинг дидини чархлаганга ҳизмат қилади, яхши мусиқа билан ҳаминқадар асарни фарқлаш кўникмасини шакллантиради. Ёшларнинг мусиқий саводи, савияси, диди баланд бўлса, унга ҳеч қандай маънавий таҳдид зиён етказма олмайд.

Инсоннинг борлиққа, атрофга, умуман, ҳаётга теран нигоҳ билан қарашида, ўзига ҳақ ижодий муносабатда бўлишида мусиқа санъатининг аҳамияти бекиёс. Азал-азалдан дутор, танбур, доира каби мусиқий чолғулар хонадон тўридан жой олган. Ота-боболаримиз бу чолғуларни маҳорат билан ижро этиш салоҳиятига эга бўлганлар.

Одамлар ҳақиқий санъатни соғинган, - дейди Х.Ғозиева. - Миллий санъатимизга муносабат турли даврларда турлича кенди. Халқимиз мақомлар билан ухлаб-уйғониб, эъзоз-эҳтиром этган замонлар ҳам, афсуски, эскилик сарқити сифатида қаралиб, уни авайлаб-асраш, ўрганиш ва ривожлантиришга эътиборсизлик кўрсатилган йиллар ҳам бўлди. Бугун Янги Ўзбекистондаги тарихий ўзгаришлар моҳияти ҳамда аҳамиятини одамлар онгу шуурига синдиришда санъат ва маданиятнинг таъсири катта. Ҳозир чекка қишлоқларда ҳам санъатга қизиқувчи ёшлар учун шароитлар яратилган. Хусусан, туманимиздаги Найзатепа маҳалласида кутубхона ташкил этилиб, чолғу асбоблари ҳам келтирилган. Бу ерда маҳалла ёшлари бўш вақтларида чолғу асбобларини чалишни ўрганади.

Мақомни айтган одам эстрадани ҳам, лирик қўшиқларни ҳам айта олади. Ҳозир туман маданият бўлимида фаолият олиб бораётган ёшларимиздан Ғўзалхон Ибрагимова, Лола Саидова, Жонибек Ҳусайнов каби ёш ижодкорлар катта санъаткорлар билан бир қаторда маком айтапти. Бунини ушбу миллий санъатимизга бўлган эътиборнинг натижаси, деб биламан.

Бу каби санъат байрамлари орқали олис, чекка ҳудудларда яшаётган юрдошларимиз давлатнинг ғамхўрлигини ҳис этади, уларда жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси кучаяди.

Сулаймон МАРДИЕВ.

## Хато қилма...

Кўнглимни олиб жонон, хуснига гадо қилди, Ул ҳам мен ошиғига жонини фидо қилди.

Сўраган эдим дилдан Эгамдан шундай дилбар, Хўп, дея қулоғимга бир ширин нидо қилди.

Ҳеч тенги топилмасни излагандим, шукрим, Сўзларин - сада райҳон, ҳидларин сафо қилди.

Ҳаётимга завқ бериб, жамоли этар мафтун, Меҳри-ла умрдошим аҳд ила вафо қилди.

Кўрматим ёмонлиқни, тилимдан дуо тушмас, Бир тану жон бўлишни яратган Худо қилди.

Ўзидан тилаб фарзанд, минг шукур, унга етдим, Кимда бўлмас эътиқод, саноксиз хато қилди.

Назиржон, хато қилма, дейдилар ёру дўстга, Ким топмади тенгини - ўз қаддин дуто қилди.

Назиржон НАЗАРОВ, Қўқон шахри.

## Назм



Одамийлик - кўнгли гавҳари, Инсон қадрин этар сарбаланд. Илло, иймон ҳаловатини Қалб кўрига айлангиз пайванд.

Дунёни қизганма, у сен, менсиз ҳам ўтади, Дилда ғаммат борлар элига қўл тутди. Борини баҳам кўрсанг, халқнинг ардоғидасан, Нафсини ўйлаганлар ўз бошига етади.

Бекназар ОРЗИҚУЛОВ, Иштихон тумани.

# Самарқанд музейи дурдонаси

Рассом Лев Бурэ қаламига мансуб "Шердор" номли асар 1913 йилда яратилган. Асар Самарқанд давлат музей-қўриқхонасига қарашли Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейининг санъат бўлими экспозициясидан ўрин олган.

Картинанинг биринчи кўринишида дунёга машҳур мейморий ёдгорлик - Регистон мажмуасидаги Шердор мадрасасининг олд қисми ва ён томонидаги ёйма бозор тасвирланган. Сурат кўз ўнгингизда бетакрор тарихий манзарани жонлантиради. Мусаввир қадим усталарнинг такрорланмас санъати намунаси бўлиши бу бино тасвири орқали томошабин онгидида эзгуликнинг, инсон заковати, истеъдоднинг қудрати, унинг боқийлиги ҳақидаги чуқур мулоҳазаларни уйғотади. Мадрасанинг нурбаётган қисми эса кишини ажодларимиз яратган буюк обидаларни авайлаш, уларни ўз вақтида қадрлашга ундайди. Утмиш давр руҳини одамларнинг турмуш тарзи, ижтимоий аҳоли ва давр нафаси сезилиб турган либослар орқали тасвирлайди.

Рассом барча тарихий асарлари орқали томошабин нигоҳини уларнинг юксак маънавий оламига, ўша давр одамлари ҳаёт тарзига, санъат оламига қаратади. Асардаги ранглар мутаносиблиги ҳам шакл ва мазмунни очишдаги ўрнини белгилаб турибди.

Рассом ҳали ҳаётлик вақтида унинг тарихий манзараларни намоён қилган асарларига ғарбий европаликларда катта қизиқиш уйғонганди. Шу сабабли вафотидан сўнг ҳам бу аънава давом этди ва ушбу асар 2010 йилнинг 18 декабридан 2011 йилнинг 8 майига қадар Нидерландия қироллигининг Гронген музейидаги халқаро кўргазмада намоийш қилинган.

Т.БҮРИЕВ, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси илмий ҳодими.



## Тафаккур билишда, фаолиятда намоён бўлади

Қадимдан буюк мутафаккирларимиз ўз асарларида инсоннинг қомиллиги, тарбияси ва фазилатлари тўғрисида фикр юритган. Шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий "Ҳайрат-ул-абсор" асариде жамият тараққийотига ҳизмат қилаётганлар, кишиларга яхшилик қилувчиларни улуғлаган: *Они башар хайлининг инсони бил, Одамийлар одамийси они бил. Дили, сўзи, кўзи, ўзи пок бўлган одамлар чин инсонлардир.*

Ўқимиз: *Одамий эрсанг демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами.* Яъни, Навоий инсоннинг буюклигини аввало, унинг халқ, жамият хизматига эканлигиде кўради, тасаввур қилади. Таниқли олиш Насриддин Комилнинг "Тасаввуф ёки қомил инсон ахлоқи" китобиде инсон сиймоси тўғрисидаги ғоялар эътиборга молик. Олимнинг фикрича, қомил инсон - ин-

сонларнинг энг мукаммали, энг оқили, энг доноси ҳисобланади. Қомил инсон - бир идеал, барча дунёвий ва ахлоқий билимларни эгаллаган, руҳи мутлақ руҳга туташ, файзу қароматлари сероб, сийрату сурати саранжом, қалби эзгу туйғулурга лиммо-лим покиза зот.

Олим ўз мулоҳазаларини шайх Азизиддин Насафийнинг қарашлари билан ҳам қувватлайди: "Билгилки, қомил инсон деб шарият, тариқат ва ҳақиқатда етуқ бўлган одамга айтадилар. Бошқа ибора билан айтганда: билгилки, қомил инсон шундай инсондирки, унда куйидаги тўрт нарса қамолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф. Қомил инсон оламларнинг сирини ва олам кутбидир, чунки у илм муҳити денгизидир".

Раимиз АМИНОВ, Самарқанд шаҳридаги 5-мактаб директори, педагогика фанлари номзоди.

## Қадрият

# Чинор яшайди, чорлайди, даволайди



Самарқанд шаҳридаги Тадбиркорлар маҳалласида 800 йиллик дарахт бор

Маҳалладошлар уни "кўзмунчоқ" дейишади. Ахир шунча йиллик тарихимизнинг гувоҳи бўлиши учун унга энг аввало, табаррук замин ва инсон меҳри керак бўлган-да. Бунча вақт яшаб туриш учун дарахт танаси касалланмаслиги ёки унга шикаст етмаслиги лозим.

Кўзмунчоқ деганимизнинг сабаби шундаки, бу ерда фақат яхши ниятлар билдирилади, ёмон гаплар айтилмайди. Одамлар ана шу дарахтга меҳри орқали бутун табиатимизга муҳаббатини билдиришапти, - дейди маҳалла оқсоқо-

ли Фируз Мамадалиев. - Биласизми, бир пайтлар маҳалламизда яшаб кетган бошқа миллат вакиллари Исроил, АҚШ, Қрим ва бошқа жойлардан телефон қилиб, ана шу табаррук чинорнинг тақдирини сўрашди.

Кўзмунчоқ деганларича бор. Бир неча йилдирки, маҳалла ҳудудида жинотчилик содир этилмайди, шаҳарда эса 221 та маҳалланинг учинчиси ҳисобланади. Ҳатто айримлар кайфияти бузилганда, кўнгли хира тортганда, ана шу чинор остига келиб, хаёл суриб ёки дилкаш сўхтаб орқали енгил тортиб кетади. Муҳими, одамларнинг бу тарихий чинорга меҳри кундан-кун ошиб бормоқда.

Фозил АБДУРАУПОВ.



16 ОКТАБРЬ Тоғаймурод ШОМУРОДОВ - 1945 йилда Паст Дарғом туманида туғилган. Журналист. "Дўстлик" ордени соҳиби.

18 ОКТАБРЬ Абдуазиз ЮСУПОВ - (1927-2006) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби. Тиббиёт фанлари доктори, профессор.

## Туфли

- Эй, муборак бўлсин! - Назир хонага кириб келган ҳамкасби Олимтойнинг оёғидеги яп-янги туфлисига ишора қилди.



- Раҳмат, дўстим, кеча харид қилдим. Пишиққина ва чиройли экан... импортний.

- Нархи ҳам чиройли бўлса керак, - қулди Назир. - Ҳа, ўзига яраша, ҳозир арзон нарса қоптими, зўрға беш юз минг сўмга тушириб олдим, - деди Олимтой мақтаниб. - Лекин хотиним "Қачон савдолашини ўрганадиз?" деб роса жавради.

Қоғоздан бош кўтармай ишлаётган Қамар уларнинг гапини эшитиб, ручкани тақ этиб столга ташлади. Олимтойнинг оёғига кўз югуртирди.

- Ҳа, дидинг чакки эмас, чиндан ҳам чиройли экан. Буни "ювш" керак, огайни, - у қувлик билан Назирга кўз қисиб қўйди.

- Албатта! - деди Назир уни қувватлаб. - Мен яқинда очилган бир ресторани биланам, таомилар жуда зўр. Ичимликлари импортний, маза қиласан.

- Қиммат бўлса керак, - деди Олимтой бўшасиб. У ҳамкасблари курумсоқ деб устидан қулишларини истамасди.

- Нима, қиммат бўлганда, от билан туя бўлармиди, - Қамар бўш келмади. Ресторан чиндан ҳам шинам экан. Йигитлар роса яйрашди. Икки-уч қададан кейин қулфи дили очилиб кетган Олимтойнинг тантилиги тутиб, қоньяк ва пиво буурди.

- Бекор қилдинг-да, шундоқ ҳам кайф қилиб ўтирибмиз, - деди Назир сузулиб. - Ароққа аралашса, расво бўлади.

- Ме, нима, биз нозик ойимчаларидек, ўзимизни йўқотиб қўядиган, - деди Қамар гурашиб. - Олимтой, кел дўстим, бир пешонангдан ўпиб қўяй, зўр йигитсан-да...

Алламаҳалда мастликдан донг қотган Олимтойни улфатлари машинадан

зўрға судраб тушириб, уйга ташлаб кетишди. - Вой ўлма-сам, бу қандай шармандагарчилик? - Хайрия эрининг ёқавайрон бўлган костюмини ечиб, бир амаллаб ўрнига ётқизди. Олимтой ҳеч қачон болалари олдида бундай изза бўлмаганди. Эрталаб уларнинг кўзига қарашга уялиб, нонушта ҳам қилмасдан ишга отланди. Боши зирқираб, оғриқдан тарс ёрилай дерди. Гандирақлаб, туфлисини кийай деса, бир пойи йўқ, қидириб топа олмади.

- Хотин, туфлининг бир пойини кўрмадингми? - Сиз биласиз, мен қаредан билай? Балки ароққа қўшиб уни ҳам ичиб юборгандирсиз? - пичинг қилди чой дамлаётган Хайрия. - Ароқни чиқарганинг уйи куйсин-а! Олимтой эси туфлисини кийиб ишга экнади: "Эсиз, туфли!". У йўл-йўлакай ресторанга кирди.

- Ме, ассалому алайкум, ака, келинг, кеча яхши ўтирдигизларми? - хизматкор йигит мулозимат билан қарши олди. - Бош оғриятими, ака? Ҳозир, юзта "ташлаб юборсангиз", калла жойига келаяди.

- Йўқ, ичмайман, - деди Олимтой кизариб. - Кеча мабодо туфлининг бир пойини тушириб қолдирмабманми? - Эй, ха, ҳозир, - хизматкор ичкаридан бир пой туфлини олиб чиқди. - Кеча сал кайфингиз ошган экан, шерикларингиз судраб машинага ўтқизишганда тушиб қолибди, шунми?

- Ҳа, раҳмат, - Олимтой туфлини кўйнига тикди. Ишдан сал чиройи очилиб қайтди.

- Хотин, молинг ҳалол бўлса, йўқолмас экан. Мана, туфлининг пойи, кеча ресторани олдида тушиб қолибди! - Вой, дадаси, жаҳл қилмай, мен ўлай, - деди Хайрия чапак чалиб. - Энди бир пой туфли нима керак деб, тандирда ёқиб юборибман.

- Нима? - Олимтой бўшашиб, қўлидаги бир пой туфлига бақрайиб қараб қолди.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Фазлидин ЁҚУБЖОНОВ - 1945 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Дирижёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.

20 ОКТАБРЬ Бобоқул РУСТАМОВ - (1928-2004) Самарқанд шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби. Тиббиёт фанлари доктори.

MATBUOT UYI Zarafshon Самарқандский Вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 393 nusxada chop etildi. Buyurtma 671. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2 Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61 MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV. Navbatchi: Y.MARQAYEV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. ISSN-201667X 9 772010 667009 Sotuvda narxi kelishilgan holda